

Сайёр қабул ўтказилди

Ангор туманидаги биринчи сектор биносида навбатдаги қабул бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Шерзод Ядгаров ва туман ҳокимининг sanoatни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Шерали Мирзаев иштирок этди. Қабул давомида моддий ёрдам, ишга жойлаштириш ва тиббий кўмак мавзулари бўйича мурожаат қилишди. Қабулда жами 84 нафар фуқаро ўз муаммолари билан мурожаат қилди. Ушбу мурожаатларнинг 13 таси жойида ҳал этилди. 7 та мурожаат рад этилди. Қолган мурожаатлар юзасидан тегишли ташкилот раҳбарига топшириқлар берилди.



